



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Сатторов Э. Б.

Самарқанд Давлат Университети Таянч Докторанти

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА СУҒДИЙЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ (ҚУРОЛСОЗЛИК СОҲАСИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Мазкур мақолада илк ўрта асрларда суғдийларнинг бошқа халқлар билан ўзаро алоқалари қуролсозлик соҳаси мисолида кўриб чиқилган. Шунингдек, деворий суратларда суғдий пиёда ва отлик жангчиларнинг тасвирланиши ёритилган. Суғд ва унга туташ минтақалардан топилган археологик топилмалар ва деворий сурат наъмуналари орқали суғдийларнинг ижтимоий-маданий алоқалари кўрсатиб берилган..

Калит сўзлар: темирчилик, қуролсозлик, Панжикент, камон, ҳарбий соҳа ижтимоий-маданий алоқалар.

Марказий Осиё халқларида металлга ишлов бериш соҳаси кўп асрлик тажриба ва анъаналарига асосланган ҳолда ривожланиб борган. Суғд минтақасида ҳам қадимдан кончиларни, асосан, тез эрийдиган ва унча чуқурликда бўлмаган маъданлар қазиб олишган ва темирчиликда ишлатилган. Суғдийлар орасида илк ўрта асрларга келиб темирчилик тараккий этган [8.34.]. Илк ўрта асрларда Суғд конфедерацияси таркибидаги барча шаҳарларида ривожланган ҳунармандчилик турларидан бири темирчилик ҳисобланган. Темирчилар уй-рўзғор буюмлари, транспорт ёки от-улов анжомлари ва ҳарбий қурол-аслаҳалар тайёрлашган [11.59]. Суғд минтақасида олиб борилган археологик тадқиқотларда ўйма нақшли ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган камарлар, қалқон, дубулға, шамшир, ханжар, ойболта, пичоқ ва бошқаларни топилиши ҳам юқоридаги фикрни қувватлайди [3.10].



Илк ўрта асрлар даврида бугунги Зарафшон воҳасида жойлашган Суғд нафақат сиёсий, иқтисодий балки ижтимоий-маданий ташқи алоқаларга эга бўлган. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган материаллар Суғддаги қурол яшаш санъатининг бошқа ҳудудлардан таъсир олган ҳолда ёки таъсир ўтказган ҳолда ривожланганлигини тасдиқлайди. Келтириб ўтилган фикр илк ўрта асрларда мавжуд бўлган нафақат Суғд ва унга туташ бўлган ҳудудлар учун балки бутун Евроосиё минтақасига тегишли хусусият ҳисобланади. Бу қадимги туркий халқлар ҳисобланган аварлар, хазарлар ёки хитой ва суғдий этнос вакилларида даҳлдор бўлган қабрлар тадқиқ этилганда ҳам яна бир ўз тасдиғини топган [10.103].

Ушбу ҳолатларни бир неча омиллар асосида кўрсатиш мумкин. Мазкур халқлар турли этнос вакиллари бўлиш билан бирга улар турли минтақаларда яшашган. Лекин қарвон йўллари бўйлаб савдо алоқаларининг йўлга қўйилганлиги, кўчманчи халқларнинг доимий кўчиб юришлар каби омиллар қуролларнинг Суғддан бошқа минтақаларга ва турли ҳудудлардан Суғдга кириб келишининг асосий сабабларидан деб тахмин қилиш мумкин.

Афросиёб, Панжикент ва Варахша деворий суратларида чизилган деворий суратлардаги жанг манзаралари ҳам Суғдда ушбу соҳанинг ва суғдий жангчиларнинг жанг услубларига доир баъзи фикрларга келишга имкон берувчи манбалар ҳисобланади. Деворий суратларда нафақат пиёда жангчилар балки отликларнинг аҳам жанг майдонидаги ҳолатлари акс эттирилган. Деворий суратлардаги суғдий жангчилар тиззадан паст бўлган жанг кийимларида бошларида дубулға кийган ҳолда тасвирланган. Оёқ ва қўллари совутлар билан ҳимояланган. Баъзи ҳоллардаги жанглар тасвирида жангчиларнинг юзлари ҳам ҳимоя воситаси билан ҳимояланган ҳолда тасвирланганлиги кўриш мумкин. Жангчилар тасвиридан маълум бўладики, урушларда жангчилар асосан иккита белбоғ бойлашган. Улардан биринчисига асосан қилич тақилган. Иккинчи белбоғга камон, болта, арқон каби жангда керак бўладиган аслаҳалар осилган. Ушбу ҳолатни Панжикент деворий суратларида ҳам кўриш мумкин [7].

Отлик ва пиёда жангчилардаги асосий ҳимоя воситалари асосан темирдан ишланган бўлиб, бу Суғд жамиятида қуролсозликда темирнинг кенг ишлатилганлигидан даолат беради. Фақатгина оддий жангчилар ва саркардалардаги қурол аслаҳалар ўзининг савлати ва жимжимадорлиги билан фарқ қилган. Аслзода жангчилар ва саркардалардаги отнинг ҳарбий аслаҳалари турлихиллиги билан алоҳида ажралиб турган. Деворий суратлардан рассомлар мазкур ҳолатни алоҳида ажратишга кўрсатишга ҳаракат қилишган [9.175.]. Суғд шаҳарларида харобаларда олиб борилган археологик тадқиқотлар деворий суратлардаги жанг тасвирлари ва жангчиларнинг қуроллари тўғрисидаги фикрларни янада ойдинлаштиради.

Деворий суратлар суғдийларнинг бошқа халқларга таъсирни кўрсатишга ҳам хизмат қилади. Масалан, Эрондаги Тоқи Бўстон қоясидан топилган тасвирий суратлар натижасида Эронга Марказий Осиё халқлари хусусан суғдийларнинг таъсири сезилади. Мазкур лавҳада Суғднинг Афросиёб ва Панжикент деворий суратларида келтирилган от тасвирига ўхшаш тасвир келтирилади. Ушбу лавҳада Сосоний ҳукмдор Хусрав II (590-628) тасвирланган бўлиб, унинг оти худди Марказий Осиёлик жангчиларнинг отлари каби безатилган. От юқорида келтирилганидек, худди Маврикий таъкидлагани каби безаклар билан безатиб чизилган [6.22.].

Панжикент шаҳар харобаларининг қазиб ўрганилиши даврида топилган отлик аскарнинг тасвири туширилган қалқон олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган. Қалта қилич таққан, башанг кийинган, камон осиб олган киши от чоптириб кетаяпти. Отнинг қалин ёли худди жонли тебранаётгандай. Эгар ўқдон-садоқ ва камон билан тўсилганлиги учун кўринмайди. Отлик чап кўлида чўқмор тутган ва ўнг кўли билан отнинг тизгинини ушлаб турибди. Қалқоннинг сақланиб қолган қисмида чавандознинг боши кўринмайди. Бу қалқон бўлаги тарихчиларга муҳимли хулосаларга келишга туртки бўла олди. Қалқон уларга узоқ Шарқий Туркистондаги будда ибодатхонасининг тасвирий суратларини эслатди. У ерда ҳам худди ана шундай тасвирлар акс эттирилган. Суратда ҳам, отликнинг ҳарбий кўринишида ҳам ўхшашлик мавжуд [1.63.].

Панжикент ва Афросиёб харобаларида олиб борилган изланишлар чоғида кўлга киритилган бир қанча камон ўқлари бу бордаги фикрларни тасдиқлайди. Камон асосан узоқ масафадаги жанглар учун ишлатилган. Бу борада махсус тадқиқотлар ҳам амалга оширилган [5.78.]. Камон (ёй)нинг Суғдда ишлатилиши қадим даврларга бориб тақалиб, ушбу қурол тури асосан кўчманчи халқларидан кириб келган. Суғдда камон яшашга алоҳида эътибор қартилган бўлиб, Панжикентдан топилган камоннинг суякдан ясалган ўрта қисми бунга мисол бўлади. Камон ўртасидаги мустаҳкам дастакнинг суякдан ясалиши унинг эгилувчанлигини таъминлашга хизмат қилган. Қолган қислари ушбу дастакка бириктирилган ва камон тайёр бўлган. Суғдий жангчилари доимо ўзлари билан бирга камон олиб юришган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, камонни тақишнинг ҳам ўз қоидалари бўлиб, деворий суратларда ушбу ҳолат аниқ тасвирланган. Масалан, камон ипини таранг тортилган ва осилган ҳолда тақиб юриш доимо жангга тайёр бўлишни кўрсатган бўлса, уни суякдан олиб юриш хавфсизлик ва керак вақтда яқин жангларда халақит бермаслик чораси сифатида амал қилинган.

Илк ўрта асрларда суғдийларнинг камонлари узунлиги 1,20 метрдан 1,40 метргача бўлган. Суғд шаҳарлари харобаларида олиб борилган тадқиқотлар давомида камон учлари энг кўп топилган ашёвий далиллардан бири ҳисобланади. Панжикентдан уларнинг 100 га яқини топилган. Узунлиги асосан 3-4 см ва эни 2 см бўлган камон учлари асосан темирдан ясалган бўлиб, улар баъзан уч қирралари ва баъзида икки қиррали қилиб ясалган. Бундан кўзланган мақсад албатта рақибга жароҳат етказиш билан боғлиқ бўлган.

Археологларнинг таъкидлашларича, ушбу камонларга аналогик жиҳатдан ўхшаш камонлар Бошқирдистон, Сибир ҳудудларида олиб борилган археологик қазималар натижасида кўлга киритилган [4.55.]. Бу эса юқорида таъкидланганидек, қуролсозлик борасида Суғднинг бошқа ҳудудлар билан алоқалари бўлганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари Турк хоқонлари даврида Византия ва Хитойдан келган сайёҳлар ҳам Суғддан қурол яшашнинг баъзи турларини ўрганган бўлишса, баъзиларини ўргатишган. Бундан ташқари илк ўрта асрларга хос бўлган натурал савдо тизими ҳам бир қатор қуролларнинг Суғдга кириб келишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Чунки, кўчманчи халқлар маҳаллий ўтроқларнинг хунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёж сезгани каби ўтроқ этнос вакиллари ҳам уларнинг ҳарбий ҳимоясига эҳтиёж сезишганлиги бир қанча тарихий факторлар билан ўз тасдиғини топган.

Ўтроқ халқларда ҳарб иши ва қуролсозлик борасидаги ривожланишида кўчманчи халқларнинг ўрни катта бўлган. Масалан, биргина жангда отдан фойдаланиш



масаласини олиб қарайдиган бўлсак. Милодий V-VII асрларда мавжуд бўлган Марказий Осиё кўчманчи давлатларида жамият ҳаётида ва ҳарб ишида отнинг ўрни муҳим бўлиб, бу ҳолат кейин ўтроқ халқлар ҳаётига ҳам кириб келган.

В.И. Распопованинг ўрта аср тарихчиси ва ҳарбий мутахассиси бўлган Маврикийга суяниб келтиришича, Византиялик лашкарбошилар жанг санъати борасида кўчманчи аварлар ва туркийларнинг ҳарбий жанг сирларини ўрганишлари муҳим эканлигини таъкидлайди [10.104]. Бу эса авваламбор аварлар ва туркийларда мавжуд бўлган жанг қуроллари, ҳарбий муҳофаза яроғлари каби аслаҳаларни назарда тутар эди. Бундан ташқари Марказий Осиё жанг санъатида мавжуд бўлган жангчининг ўз чодирини ва арқони бўлиши қондаси ҳам ғарб давлатларида қадрланган ҳамда улар ҳам жангчиларда мазкур жиҳозларнинг бўлишини таъминлашган.

Шунингдек, Ғарбда аварлар ва туркларда мавжуд бўлган қаторларга тизилишни ҳам бошқа давлатлардагидан афзал билишган. Масалан, римликлар ва форсларда жангда бир қаторга тизилган ҳолда уруш олиб бориш тактикаси бўлган даврда туркийларда ва аварларда аввал пиёдалар уларнинг ортидан камондан ўқ отувчи отлиқларни жойлаштириш каби ҳарбий тузулиш тактик қоидаларининг мавжудлиги юқоридаги фикрни янада кучайтиради [2.217]. Масалан, ҳарбий тактикага оид илмий адабиётларда ҳам Суғд ёки турк ҳарбий тактикаси Эрон сосонийлари ҳарбий тактикасидан фарқ қилганлиги келтириб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрлар Суғд минтақасида ҳунармандчиликнинг ва унинг ажралмас қисми бўлган қуролсозлик соҳаси юқори даражада ривожланган. Суғдийларнинг фаол олиб борилган савдо-сотик ва дипломатик фаолияти натижасида Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган давлат ва этнослар билан ижтимоий-маданий алоқалар ривожланган. Ушбу алоқалар қуролсозлик соҳасини ҳам четлаб ўтмаган. Умуман олганда, Суғдийларнинг қуролсозлик билан боғлиқ ташқи алоқлар масаласи топилган археологик артефактлар орқали ва Афросиёб, Панжикент ва Варахша деворий сурталарида акс этган тасвирлар орқали ўз тасдиғини топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Беленицкий А.М. Монументальное искусство Пенджикента. Живопись, скульптура. – М.: Искусство, 1973. – С.63.
2. Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Древнейшее изображение осадной машины в Средней Азии / Культура Востока. Древность и раннее средневековье. – Л.: Аврора, 1979. – С. 217.
3. Васильев А.И. Согдийцы и их вооружение. Тез. Диссерт. На соис. канн. Наук. – Ленинград: 1935. – С. 10.
4. Литвинский Б.А. Сложносоставной лук в древней Средней Азии / СА. 1966. V 4. – С. 51-69.
5. Литвинский Б.А. Среднеазиатские железные наконечники стрел / СА. 1965. – №2. – С. 75-91.
6. Маршак Б.И. Искусство Согда. ... – С. 22.
7. Маршак Б.И. Отчет о работах на объекте XII за 1955-1960 гг. // МИА. – М., 1964. – №124.
8. Пругер Е.Б. Древние горнопромышленные объекты юга Узбекистана // Материалы



по истории, историографии и археологии. Труды ТашГУ. – Ташкент: 1980. – Вып. 630. – С. 34.

9. Распопова В.И. Жилища Пенджикента. – Л.: Наука, 1990. – С. 175.
10. Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. – Л.: Наука, 1980. – С. 102.
11. Рудо К.Г. К вопросу о вооружения Согда VII-VIII вв. Сообщение Республиканского историко-краеведического музея ТаджССР. – Душанбе: 1952. – С. 59-72.